ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (13.212)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







СЕРГЕЛИ ТУМАНИ: ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Шу кунларда халқимиз энг улуғ, энг азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш тараддудида. Пойтахтимизнинг барча туманларида бўлгани каби Сергели туманида ҳам ушбу байрамга муносиб тайёргарлик кўрилмоқда.

Сергели тумани 1968 йилда ташкил этилган. Унинг умумий майдони 5600 гектарни ташкил этади. Айни пайтда 39 та маҳаллада 170 мингга яқин аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. Туманда 3056 та хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатдан ўтган бўлиб, 332 та кичик корхоналар, 2307 та микрофирмалар иш олиб бораяпти.

Туманда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида, иқтисодий кўрсаткичлар салмоғи ортмоқда. Биргина, 2016 йил биринчи ярим йиллик якунларига назар ташлаганда, саноат ишлаб чиқариш 11,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 15 фоизга, пудрат-қурилиш ишлари 11,5, чакана савдо айланмаси 2,1 фоизга, жами хизматлар 08,4 фоизга, пуллик хизматлар 9,9 фоизга ўсган.

2016 йил охиригача туманда 7262 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида биринчи ярим йилликда 3356 та янги иш ўринлари яратилди. Иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичлари белгиланган дастур доирасида бажарилмоқда.

Айтиш ўринлики, амалга оширилаётган кенг ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Фикримизни мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Сергели тумани аҳолиси босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиб, ундан кўзланган мақсад-моҳиятни чуқур англаган ҳолда, яъни заминимиздаги тинчлик ва барқарорлик, тотувлик, фаровонлик, одамийлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва келажакка бўлган ишонч каби гўзал фазилатлар билан бойитиб, байрамни ёруғ юз билан кутиб олишга бел боғлаган.

(Сергели туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва мамлакатни модернизация қилишни чуқурлаштириш, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йил 15 январда бўлиб ўтган Республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берган 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши туфайли шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда мустаҳкам иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини сақлаш таъминланди.

2015 йилнинг биринчи ярмига нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,8 фоиз, саноат 6,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги 6,8 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,1 фоиз ўсди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмини 11,8 фоиз ва пудрат-қурилиш ишлари ҳажмини 17,5 фоиз ошириш имконини берди.

Жорий йил бошидан буён 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида 6500 та сервис объекти ташкил этилгани хизматлар ҳажмининг 12,9 фоиз ва ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улушини 2015 йил биринчи ярмидаги 57,1 фоиздан 57,6 фоизгача ошириш имконини берди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити ва 2,5 фоизни ташкил қилган инфляция даражасининг пастлигини ифода этган макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш орқали эришилди.

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2015 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,8
Саноат	106,7
Чакана савдо айланмаси	114,1
Қурилиш ишлари	117,5
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	111,8
Қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик хўжалиги	106,8
Жами хизматлар	112,9

Саноатда қайта ишлаш тармоқларининг улуши ўтган йилнинг шу давридаги 77,5 фоиздан 78,6 фоизга ошди ва бу жорий йил биринчи ярмида саноатнинг қарийб 80 фоиз ўсишини таъминлади.

Саноатдаги сифат ўзгаришлари 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури ҳаётга самарали татбиқ этилаётганидан далолат беради. Хусусан, хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида товарлар ишлаб чиқарадиган тармоқларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар – 129,9, тўқимачилик, кийим-кечак ва чарм маҳсулотлари – 116,6, озиқ-овқат маҳсулотлари 113,9, фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари – 124, қурилиш материаллари 113,9 фоизни ташкил қилди.

Бунинг самарасида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар, чунончи, полиэтилен, полипропилен, фасон ва махсус профиллар, маиший кимё маҳсулотлари, сеялкалар, насослар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, дори-дармон ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди.

Жорий йил бошидан буён тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг янги 36 тури ва 45 модели, 69 турдаги янги қандолат, консерваланган мева-сабзавот ва сут-гўшт маҳсулотлари, 60 янги номдаги доривор препаратлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тижорат банклари томонидан технологик ускуналар харид қилиш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг айланма капиталини тўлдириш учун ажратилган кредит ресурслари ҳажмининг 1,3 баробар кўпайгани тайёр истеъмол товарлари турларини кенгайтириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда)

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари ижросига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Унда республика вазирлик ва идоралари вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шаҳар бошқармалари, ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари, жумладан, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ролини таъминлаш ҳамда иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган Дастур ижросига оид масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилишида 2016 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрида ялпи ҳудудий маҳсулот 11,4 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 13,6 фоизга, шу жумладан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми – 12,7 фоизга, пудрат ишлари ҳажми – 15,3 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми – 12,2 фоизга, жами хизматлар ҳажми – 13,5 фоизга ўсганлиги қайд этилди.

(Давоми 3-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қаршида бўлиб ўтган давра суҳбати "Соғлом фарзанд – порлоқ келажак яратувчиси" деб номланди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши томонидан "Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, маҳалла ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Наманганда "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси Наманган вилояти филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Филиалнинг муҳташам биносида ишчи-ходимлар, фермер хўжаликлари учун барча қулайликлар яратилган. Техникалар кўргазмаси учун алоҳида жой ажратилган. "Тавокул лойиҳа қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа муддатда барпо этилган филиал биноси қурилишига 3 миллиард 600 миллион сўм маблағ сарфланди.

• Нукусда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ошпазлар ўртасида "Олтин пичоқ" танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 40 дан зиёд ошпаз ўз маҳоратини намойиш этди. Улар орасидан сараланган 17 ошпаз Қорақалпоғистон Республикаси босқичида қатнашди.

ЖАҲОНДА

• Ер сайёрасида кузатишлар тарихи давомидаги энг юқори ҳаво ҳарорати Кувайт амирлиги ҳудудида қайд этилди. Цельсий шкаласи бўйича 54 (Фаренгейт бўйича 129) даража иссиқ ҳарорат 20 июль куни Кувайт шимоли-ғарбидаги ал-Мутриба манзилида қайд этилган. Кувайтлик метеорологлар тақдим этган маълумотлар Бутунжаҳон метеорология ташкилоти (АМО) томонидан мутлақ рекорд сифатида баҳоланди.

• Голландияда жамоат фойдаланиш йўлларида ҳайдовчисиз автобус синовдан ўтказила бошланди. Транспорт Амстердамнинг Схипҳол аэропортидан Ҳарлем аҳоли яшаш пунктига қадар 20 километрлик йўлни муваффақият билан босиб ўтди. Ҳарлемга қадар босиб ўтган йўлда ҳайдовчисиз автобус 11 та бекатда тўхтаб ўтди. Ҳозирча ҳар эҳтимолга қарши рулда ҳайдовчи ўтирибди. У фавқулодда ҳолатда бошқарувни ўз қўлига олишга тайёр. Кейинчалик автобусларнинг бутунлай автоматик тизимга ўтказилиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарда 35 дан ортиқ турдаги янги саноат маҳсулотлари, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари, электропечлар, электр тўплайдиган сув иситгичлар, спорт тренажёрлари, болалар велосипеди ва самокатлари, автомобиллар спидометри ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Умуман, жорий йил бошидан буён 2015-2019 йиллар учун тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури асосида қиймати 2,3 триллион сўмдан зиёд маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш 1,5 баробар, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 795 миллион долларни ташкил қилди.

Фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши саноатни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш имконини берди. Шу йилнинг биринчи ярмида Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 1,9 миллиард долларлик 43 ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Жумладан, "Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш", "ЖМ Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида "Т-250" русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш", "Индорама Қўқон текстиль" хорижий корхонасида йигирув корхонаси ташкил этиш (IV-босқич)", Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги "Фантекс" масъулияти чекланган жамиятида йигирув корхонаси ташкил қилиш", "Мойлисой кони қурилиши", "ГМЗ-3 да техник сувни чиқариш мосламаси ва чучуклаштириш қурилмасини қуриш", "Жиззах пластмасса" акциядорлик жамиятида полиэтилен плёнка ва қувурлар, "Жиззах" махсус индустриал зонаси ҳудудида шиша толасидан иссиқлик изоляция буюмлари ва кенг турдаги электр қурилма ҳамда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, умумий қиймати 3,4 миллиард доллардан зиёд 72 йирик янги инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида қиймати 2,4 триллион сўмдан зиёд 8,9 минг лойиҳа, жумладан, саноат соҳасида 2 мингдан ортиқ янги қувватларни ишга тушириш, 390 корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ва 133 ишлаб чиқариш объектини модернизация қилишни ўз ичига олган 2,6 минг лойиҳа амалга оширилди.

Молия-банк тизими барқарорлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фаол инвестиция сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш имконини берди. Бунинг самарасида банклар умумий капитали жорий йилнинг биринчи ярмида 23,3 фоиз, уларнинг активлари 25,1 фоиз, банклардаги депозитлар 27,7 фоиз кўпайди. Натижада тижорат банклари маблағлари ҳисобидан иқтисодиётга кредит ажратиш ҳажми 26,2 фоиз ўсди. Бунда банк кредитларининг қарийб 80 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётда ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 23 фоиздан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил этди. Уларнинг ҳажми ўтган йил шу давридагига қараганда 17,2 фоиз ўсди ва 1,8 миллиард долларни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,2 миллиард долларни ташкил қилди. Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ўзлаштирилган маблағлар ҳажми 6,9 фоиз кўпайди ва 240 миллион доллардан ошди.

Ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг 51 фоиздан ортиғини корхона ва аҳоли маблағлари ҳисобидан йўналтирилган инвестициялар ташкил қилди. Бу фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик даромадлари ўсишини рағбатлантириш ва аҳоли яшаш даражаси ҳамда шароитларини юксалтириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш учун қўшимча ички захиралар жалб этилгани самарасидир.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида шу йилнинг биринчи ярмида йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 9,8 фоиз, электр энергияси истеъмоли ҳажмини йилига ўртача 265,6 минг кВт/соат ва ялпи ички маҳсулотда энергия ҳажмини 7,6 фоиз камайтиришга эришилди.

II. Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш

Сўнгги йилларда иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва уларнинг рақобатдошлигини оширишга доир чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши ҳамон сақланиб турган глобал инқироз ҳолатлари ва жаҳон бозоридаги нархларнинг мамлакат экспорт салоҳиятига салбий таъсирини сезиларли равишда камайтириш имконини берди. Бунинг самарасида маҳаллий экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда, шу йилнинг биринчи ярмида товар ва хизматлар экспорти ҳажмини 2,4 фоиз ошириш таъминланди.

Мамлакатимиз экспортчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш, шунингдек, юртимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган даврда ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификация қилиш, экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ишлари давом эттирилди.

Жорий йил бошидан буён илгари ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган қарийб 600 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 208 турдаги янги маҳсулот экспортга етказиб берилди. Янги экспорт бозорлари сони 44 тага кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари ва Жанубий Африка Республикасига енгил автомобиллар, Буюк Британияга куч агрегатлари, двигателлар таркибий қисмлари, Латвияга ғилдирак дисклари, Жанубий Кореяга автогенераторлар, Японияга виноматериаллар, АҚШ ва Исроилга вино-ароқ маҳсулотлари, ХХР, Туркия, Жанубий Корея, Латвия, Афғонистонга полиэтилен ва полипропилен, Швеция, Руминия, Болгария, Туркия, Индонезия, Молдова, Озарбойжонга минерал ўғитлар, Нидерландияга металл молибдени ва рений, Ҳиндистон ва Эронга металл рухи, Беларусга спорт пойабзаллари, Польша ва Жанубий Кореяга чарм буюмлари ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан полиэтилен (18,8 баробар), молибден маҳсулотлари (2,5 баробар), супрефос (1,9 баробар), аммоний сульфати (1,3 баробар), юк автомобиллари (1,3 баробар), қора металл прокати (1,3 баробар), трикотаж полотно (2,2 баробар), пахтадан тайёрланган матолар (1,4 баробар) ва бошқа юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспортга етказиб бериш ҳажми ошди.

Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши, жумладан, "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилгани натижасида жорий йил биринчи ярмида 354 минг тоннадан зиёд ёки 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўп ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари, жумладан, 270 минг тонна сабзавот, 130 минг тоннадан ортиқ мева ва узум, 1,3 минг тонна полиз маҳсулотлари экспортга етказиб берилди.

III. Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш

Жорий йилнинг биринчи ярмида 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини амалга ошириш фаол давом эттирилди.

Хусусан, Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри темир йўл орқали боғлайдиган, 19,2 километр узунликдаги ноёб туннелга эга 123,1 километрлик Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилди.

Самарқанд – Бухоро темир йўл линиясини электрлаштириш, "Навоий-Конимех-Мискин темир йўл линиясини қуриш" ва "Қандим газни қайта ишлаш заводига олиб борадиган темир йўл қуриш" лойиҳалари доирасида темир йўл қуриш, 54 километрлик темир йўл участкаларини қайта тиклашга доир ишлар амалга оширилди.

2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши самарасида жорий йил биринчи ярмида кенг полосали фойдаланиш учун 1250 километрдан зиёд оптиктолали тармоқлар барпо этилди. Аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 68 фоизга етказилди. Давлат ахборот ресурслари сони 318 тага етказилди, давлат органлари ахборот тизимлари 485 га етди, 286 турдаги интерфаол хизматлар жорий этилди. Ўтган даврда Ягона портал орқали 677 мингдан зиёд хизматлар кўрсатилди ва ўсиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,7 баробарни ташкил қилди.

Аҳоли ҳаёт даражасини янада ошириш мақсадида шу йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 6 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 4,4 миллион квадрат метр уй-жой, шунингдек, узунлиги 856,7 километр, қишлоқ жойларда эса 641,6 километр сув тармоқлари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастури доирасида 5,1 мингдан зиёд уй қурилди.

IV. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш мақсадида жорий йил биринчи ярмида қиймати 267,5 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан 305 давлат активлари хусусий мулкдорларга сотилди.

Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида 30 акциядорлик жамиятида хорижий инвесторларга низом жамғармасининг 15 ва ундан кўп ҳажмдаги давлат улушлари сотилди. Бунинг самарасида низом жамғармасида давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари сони 1,8 баробар, яъни 374 тадан 202 тага камайди.

Жорий йил бошидан буён 361 акциядорлик жамиятида замонавий халқаро менежмент услублари талабларига мувофиқ Корпоратив бошқарув кодексини жорий қилиш бошланди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун кичик бизнес субъектларига 8,3 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, ўсиш 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарни ташкил қилди. Жумладан, қиймати 1,8 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Халқаро молия институтларининг 102,4 миллион доллар миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузуридаги Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси кўмагида қиймати 25 миллиард сўмлик 31 лойиҳа молиялаштирилди.

Жорий йил бошидан мамлакатимиз туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш бўйича "E-ijro" идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш орқали фаолият бошлади. Ўтган даврда "ягона дарча" марказлари орқали 48 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектига давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорликнинг товар ва хомашё бозорларидан фойдаланиши кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хомашё биржасида давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб берувчи сифатида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 10,2 фоиз кўпайди ва 40 минг субъектни ёки давлат харидлари иштирокчилари умумий сонининг 97,7 фоизини ташкил қилди.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи ярмида 16,4 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари, уларнинг асосий қисмини саноат ва қурилиш соҳасида (31,4 фоиз) ташкил қилиш, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улушини 2015 йилнинг биринчи ярмидаги 44,7 фоиздан 46 фоизга, саноатда 35,5 фоиздан 41,9 фоизга, инвестицияларда 33,5 фоиздан 37,7 фоизга, бандликда 77,3 фоиздан 77,7 фоизга ошириш имконини берди.

V. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш

2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ўтган даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ҳамда унумдорлигини янада ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш чора-тадбирлари бажарилди. Мева-сабзавот етиштириш бўйича фермерларга ўз маҳсулотини давлат эҳтиёжлари ва экспорт қилиш учун кафолатли сотишни таъминлайдиган давлат буюртмаси жорий этилди.

Экин майдонларининг оптималлаштирилиши самарасида жорий йилда унумдорлиги ва ҳосилдорлиги паст ерлар ҳисобидан пахта далалари 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Пахтадан бўшаган ерларга илғор агротехнологияларни жорий қилиш асосида мева-сабзавот экилди. Фермер хўжаликлари сони 17,6 мингтага кўпайди ва 101 мингтани ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш мақсадида жорий йил биринчи ярмида узунлиги 501,4 километрлик коллектор, 137,2 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 80 вертикал дренаж қудуғи, 432 кузатув қудуғи, 12 гидротехник иншоот барпо этилди ва реконструкция қилинди.

2016-2020 йилларда мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида 27,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 57 янги совутиш камераси ташкил этилди ва 250 тонна мева-сабзавот сақланадиган 2 совутиш камераси модернизация қилинди.

Жорий йил бошидан буён тижорат банклари чорвачилик сектори салоҳиятини янада ошириш мақсадида қиймати 296 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратди. Қорамол боқиш, паррандачилик, асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш ва балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича 34,6 мингта лойиҳа амалга оширилди.

Бунинг самарасида жорий йил биринчи ярмида 1,5 миллион тонна картошка (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 109,1 фоиз), 2,9 миллион тонна сабзавот (109,5 фоиз), 176,6 минг тонна полиз маҳсулотлари (108,3 фоиз), 906,7 минг тонна мева ва резаворлар (108 фоиз) ва 26,6 минг тонна узум (109,4 фоиз) етиштирилди. Қорамоллар умумий бош сони 11,7 миллиондан ошди (105,6 фоиз), 1008,1 минг тонна гўшт (106,8 фоиз), 4205,5 минг тонна сут (107,1 фоиз), 3 065,8 миллион дона тухум (109,1 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш

Аҳоли бандлигини таъминлаш вазифасини изчил амалга ошириш мақсадида 2016 йил биринчи ярмида Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши самарасида 462,5 минг янги иш ўрни, жумладан, қишлоқ жойларда 276,7 минг (умумий соннинг 59,8 фоизи) ташкил этилди.

2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудуд бўйича тегишли манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар коллежларининг 468,9 минг битирувчиси билан тўрт томонлама – "коллеж – корхона – битирувчи – ҳоким" шартномалар тузилиб, кейинчалик иш билан таъминлаш мақсадида амалиёт ўташи учун улар 222 мингта корхона ва ташкилотга бириктирилди.

Таълим жараёни ва тиббиёт хизмати сифатини янада юксалтиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида жорий йил бошидан буён таълим ва тиббиёт муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, замонавий инвентарлар билан жиҳозлаш учун қиймати 684,6 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди (2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 107,1 фоиз). Болалар спорти объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш учун Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 203 миллиард сўмдан ортиқ маблағи ўзлаштирилди.

Бунинг самарасида 2016 йил бошидан буён 16,8 минг ўқувчига мўлжалланган 47 умумтаълим мактаби, 2 мусиқа ва санъат мактаби, 120 ўқувчига мўлжалланган 2 касб-ҳунар коллежи ва 100 ўринли 1 ётоқхона, 50 болалар спорти объекти, 440 ўринли ва бир сменада 225 кишини қабул қилишга мўлжалланган тиббиёт муассасалари барпо этилди.

VII. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида шу йилнинг биринчи ярмида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, мустаҳкам, соғлом ва аҳил оилани шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилди.

Оила қураётган ёшларни тиббий кўрикдан, ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан ўтказиш, болаларни 12 та бошқариладиган инфекцияга қарши эмлаш ишлари кучайтирилди ва кенгайтирилди.

147 мингдан зиёд бола имтиёзли йўлланмалар асосида болалар соғломлаштириш оромгоҳларига юборилди. Оилалар, хотин-қизлар ва болаларни соғломлаштириш ва уларнинг дам олиш шароитларини яхшилаш мақсадида мамлакатимиздаги 5 санаторий-профилакторийда қиймати 12,1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Жорий йил бошидан буён "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида жами 4,4 триллион сўм ва 111 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари жаҳон иқтисодиётида чуқур тизимли муаммолар давом этаётган шароитда дунёда тараққиётнинг "ўзбек модели" сифатида эътироф этилган, пухта ўйланган ва миллий манфаатларимизга мос келадиган стратегиянинг изчил ҳамда мақсадли амалга оширилаётгани самарасида иқтисодий юксалиш ва макроиқтисодий мутаносибликнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сақлаш таъминланаётганидан далолат беради.

Мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самарадорлиги халқаро молия институтлари ва жаҳон ҳамжамияти, жумладан, шу йилнинг 23-24 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда юксак савияда ўтказилган ўн бешинчи юбилей саммитида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 15 январда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берган ва иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулкни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва мамлакатимиз аҳолисининг тадбиркорлик даромадлари узлуксиз ўсишини таъминлашга қаратилган 2016 йилги иқтисодий дастурнинг муҳим устувор йўналишларини изчил амалга ошириш учун ички захираларни жалб этиш ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш келгуси йилларда иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган муҳим вазифалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ:

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ















Маҳаллани жамиятнинг асосий таянчига менгзаймиз. Юртимизда маҳаллалар обод экан, юрт ҳам гуллаб-яшнайди. Шу боис яқинда бўлиб ўтган маҳалла оқсоқоллари ва унинг маслаҳатчилари сайловида маҳалла оқсоқоллиги ва фаоллар таркибига ҳаётий тажрибага эга, маҳаллани яхши биладиган, ишбилармон кишилар сайланди.

МАҲАЛЛА ОБОД – ЮРТ ОБОД

— Илгари эсласангиз, собиқ Иттифоқ даврида Сергели тумани нисбатан қолоқ чекка туманлардан эди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сергели тумани бўлими раиси вазифасини бажарувчи Эркин Толбобоев. — Мустақиллик йиллари Президентимиз ташаббуси билан маҳаллалар фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. Унинг структураси, тартиб-тамойиллари ўзгартирилди. Маҳалланинг халқ билан, фуқаролар ва оилалар билан яқинлиги кучайтирилди. Мен айтмоқчиманки, биринчи навбатда ободонлаштириш ишларига эътибор қаратилди. Кўп қаватли уйларда яшовчилар учун қулайликлар яратилди. Ширкат, маҳалла, ташкилотлар ҳамкорлиги ошди. Ёшлар учун имкониятлар кенгайди. Спорт майдончалари, тўгараклар ишлаб турибди. Халқимизнинг маҳаллага меҳри ошди.

Сергели тумани “Зийнат” маҳалласида 55 та кўп қаватли уй бўлиб, 7610 та аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада 20 та болалар майдончаси барпо этилган. Айниқса бу ерда ободончилик ишларига эътибор катта.

— Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқдамиз, — дейди “Зийнат” МФЙ раиси Х.Рўзиназарова. — Болажонлар учун боғ қилиб қўйдик. Ҳашар йўли билан маҳалла идораси қураяпмиз. Кўп қаватли уйларимиз томларида муаммо йўқ. Қишда уйлар иссиқ бўлади. Ҳудудимизда 6 та ширкат фаолият олиб бормоқда.

Сергели туманидаги Жомий маҳалласи таркибидан “Шукрона” ва “Зиёкор” маҳаллалари ажралиб чиқди. 3 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган “Шукрона” маҳалласига тадбиркор Акром Султонов раис этиб сайланди. 9 қаватли 8 та уй. Бир-биридан чиройли уйларни кўриб ҳавасингиз келади. Йўлаклар таъмирланган, кодли қулфлар, хавфсизликни таъминлаш мақсадида видеокузатув мосламалари ўрнатилган. Болалар майдончалари бор. Аҳолининг дам олиши учун қулайликлар яратилмоқда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Кейинги йиллари мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Сергели туманида маҳаллийлаштириш дастури доирасида 6 та корхонада 15 та лойиҳани ўзлаштириш белгилаб олинган бўлиб, ярим йилликда бу режа 100,2 фоизга бажарилди. Ўтган 6 ойликда 243 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, 508 та якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатдан ўтди.

Бугун тадбиркорлар бўш жойдан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўяётгани қувонарли. “Big Bog Produktion” қўшма корхонаси бўш турган икки гектар жойни олиб, таъмирлаш ишларини олиб борди. Таиланд ва Ҳиндистондан қоп ясовчи технологияларни олиб келиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Корхона тўлиқ қувват билан ишлаганда юзта ишчи ўрни яратилади, — дейди корхона раҳбари Азмиддин Бузруков. — Ҳозирда 30 га яқин ишчилар билан ишлаяпмиз. Айни пайтда корхонада қоп, ип, қуёшдан ҳимоя қилувчи сеткалар ишлаб чиқарилмоқда.

“Дўстлик” мавзесида Мустақиллигимиз 25 йиллиги арафасида иш бошлашга тайёр турган корхоналардан бири “Barchinoy textile“ масъулияти чекланган жамиятидир. Бу ерда бир гектардан ортиқ ташландиқ жой обод қилиниб, қурилиш ишлари амалга оширилди. Натижада замонавий ишлаб чиқариш корхонасига асос солинди. Туркиядан 106 та тикув дастгоҳи келтирилди. Айни айтда ишчилар саралаб олинаяпти. Корхона иш бошлаши билан бир кунда 6-7 минг дона атрофида тайёр кийимлар ишлаб чиқарилади, жамият тўлиқ қувват билан ишлаганда 200 нафар ёш мутахассис иш билан таъминланади.

Айтиш жоизки, Сергели туманида жами 9 та тиббиёт муассасалари фаолият олиб боради. Шулар ичида 4 тасини оилавий поликлиника ташкил этади.

ОНА СОҒЛОМ БЎЛСА, БОЛА ҲАМ СОҒЛОМ БЎЛАДИ

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар сабаб ҳаётимизга оилавий поликлиникалар кириб келди. 30 йиллик иш тажрибасига эга катта ҳамшира Фотима Набихонованинг эслашича, илгари поликлиникалар кўримсиз, тарқоқ жойда жойлашган эди. Бугун-чи? 10-сонли оилавий поликлиника кўркам, ҳамма учун қулай жойга жойлашган. Бу ердаги шароитлар ҳақида фақатгина ҳавас билан гапириш мумкин. Сергели 3, 4, 7, 8-мавзелардаги тарқоқ тиббиёт пунктлари ўрнига 2013 йилда замонавий поликлиника қад кўтарди. Поликлиника 11 та маҳалладаги 52,5 мингдан кўпроқ аҳолига хизмат қилади.

– Шаҳримизда 11 июндан 11 августгача патронаж ойлиги бошланди, — дейди Ф.Набихонова. — “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказаяпмиз. Оилада ҳомиладор аёл борми, чақалоқ борми, кекса ёшдаги нуронийларимиз борми суҳбатлашиб, уларнинг соғлигидан патронаж ҳамшираларимиз хабар олиб туришибди.

— 2008 йили Олмазор туманидаги тиббиёт коллежини битирганман, — дейди патронаж ҳамшираси Муҳаббат Мирўлмасова. — Бу ерда меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Менга “Тинчлик” маҳалласидаги 2 минг 110 та аҳоли бириктирилган. Уларга репродуктив саломатлик сирларини ўргатамиз. Ўз ишимдан мамнунман.

Ҳа, патронаж ҳамширалари бугун ҳар томонлама замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассислардир.

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

Сергели туманида 25 та умумтаълим мактаби, 1 та ёрдамчи мактаб, 34 та мактабгача таълим муассасаси, 7 та коллеж ва 1 та академик лицей фаолият юритмоқда. Мустақиллик йиллари уларнинг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш борасида қилинган ишлар таҳсинга лойиқ.

300-ихтисослашган махсус давлат умумтаълим мактаби тумандаги энг намунали таълим масканларидан бири сифатида эътироф этилади. Мактаб ўқувчилари турли шаҳар ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда фахрли ўринларни олаётгани фикримизга исбот бўла олади.

Айни ёз мавсумида бу ерда “Камалак” ёзги болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилган. Оромгоҳ тарбиячиси Шаҳло Ғуломованинг айтишича, бир мавсумда 600 ўқувчи дам олиш, оромгоҳда чиниқиш имкониятига эга. Бу ерда шахмат-шашка, мусиқа, моҳир қўллар, инглиз тили каби тўгараклар иш олиб бормоқда. Уларга 6 та тарбиячи бириктирилган.

— Ёзги оромгоҳ менга жуда ҳам ёқди, — дейди Моҳира Лутфуллаева, — 5 синфга ўтдим, бу ердаги тўгаракларга, турли ўйин ҳамда викториналарга қатнашиб, бўш вақтимни мазмунли ўтказмоқдаман.

Мактаб қошида ташкил этилган туман ахборот ресурс маркази билимга чанқоқ ўқувчи-ёшлар ва катталар билан доимо гавжум бўлади. Марказ раҳбари Саида Каримқулованинг айтишича, зиё масканига 6 мингга яқин китобсеварлар аъзо бўлишган. Марказ фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда яратилган шароитлар ҳавас қиларли даражада. 6 мингдан ортиқ китоб ва 2700 га яқин электрон китоб мавжуд.

— Илгари ўқувчилар учун бунақа шароитлар қайда эди, — дейди Ахборот-ресурс маркази ходими Матлуба Ешметова. — Ахборот маркази фаолиятининг асосий мақсади бу аҳоли бандлигини тўғри таъминлаш, яъни ахборот олиш маданиятини ривожлантириш билим даражасини оширишга ҳисса қўшиш, китобга бўлган талаб ва эътиборни кучайтиришдир.

Мутахассис сифатида шуни айтишим жоизки, болаларни қай мавсум бўлишидан қатъий назар кун тартибини тўғри йўлга қўйиш лозим. Яъни, ўз вақтида билим олиш, ижод қилиш, спорт билан шуғулланиш, сайр қилиб ўйинлар билан машғул бўлиши болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшади. Бир сўз билан айтганда, бу ерда болажонлар ёз мавсумини мароқли ўтказмоқда.

Саҳифа материалларини З.ШАРИФЖОНОВ тайёрлади
И.Исмоилов олган суратлар

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, 2016 йилда ишга тушириш мўлжалланган энг муҳим саноат, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларининг фойдаланишга топширилишини таъминлаш, шу билан бирга, 2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида олиб борилаётган ишлар, экспорт қилинаётган маҳсулотлар турлари ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳаллий товарларни сотишнинг янги хорижий бозорларини ўзлаштириш, шу асосда 2016 йилги экспортнинг, айниқса мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг прогноз параметрларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, иқтисодиётда давлатнинг улушини қисқартириш ва хусусий мулкни мустаҳкамлаш, акциядорлик жамиятларидаги активларни ва давлат улушини хорижий инвесторларга сотиш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, бир ҳафта муддатда туманлардаги фаолият юритмаётган корхоналарни ўрганиш бўйича махсус жадвал ишлаб чиқиб, 1 октябрга қадар истиқболли корхоналар фаолиятини тиклаш ҳамда истиқболсиз корхоналарни тугатиш чораларини кўриш белгиланди.

Инвестиция дастурига киритилган 67 та ижтимоий соҳа объектларини белгиланган муддатларда тўлиқ фойдаланишга топшириш вазифалари юклатилди.

Экспорт бўйича белгиланган режа кўрсаткичларни таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги билдирилди. Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича экспорт бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг сўзсиз таъминланиши кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини чуқур ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш таклифларини ишлаб чиқиш, ҳисобот даврида прогноз кўрсаткичлари бажарилишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розукулов иштирок этди.

ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг жорий йил олти ойидаги фаолияти муҳокама этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида аёлларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Маҳалланинг энг ораста қизлари” кўрик-танловининг туман, вилоят босқичлари муваффақиятли ўтказилди. “Оиланинг олтин қўрғони” телемарафони миллий анъаналаримизни қадрлаш, намунали оилаларни қўллаб-қувватлаш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг энг яхши иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилди.

Хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан тизимли ишлар олиб борилди.

Давлат дастури доирасида илк марта ўтказилган “Меҳрибон қайнона” кўрик-танловида 8 мингдан ортиқ онахонлар иштирок этди. “Гулшан аро гулчеҳралар”, “Обод юртнинг ораста қизлари” каби маърифий тадбирлар орқали ўсмир қизларни касбга йўналтириш, зарарли мафкуравий таъсирлардан ҳимоялаш, ҳуқуқий, тиббий билимларини янада ошириш имконияти яратилди.

Дастур доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи штаб”лар фаолияти кенг йўлга қўйилди. Маҳаллалардаги “Бандлик” сектори фаолияти орқали ўз тадбиркорлик ишини бошлаш истагидаги қизларга уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини юксалтириш, имтиёзли кредитлар олиш, илк бизнес лойиҳасини шакллантиришга оид кўмак кўрсатилди. “Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси” танловининг дастлабки босқичида коллежни тамомлаган минглаб қизларнинг муваффақиятли иштирок этиши таъминланди.

– Хотин-қизларга кўрсатилаётган юксак меҳр ва ғамхўрлик кундалик турмушда, жамият ҳаётининг турли жабҳаларида яққол намоён бўлмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Тўлқиной Тожиева. – Ўтган олти ой давомида вилоятимиз бўйича 3,5 мингдан ортиқ аёлга ўз хусусий тадбиркорлик ишини бошлашга кўмаклашилди. 9-синфни битирган қизларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, коллежни тамомлаган қизларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда хотин-қизларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, аёллар спорти, тадбиркорлигини янада ривожлантириш, оила институти, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди, келгуси режалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА

Спорт янгиликлари

Айни кунларда пойтахтимизнинг барча туманларида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманларда "Аёллар спорт фестивали" бўлиб ўтмоқда.

АЁЛЛАР СПОРТИ ОММАЛАШМОҚДА

Олмазор туманидаги 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида туман Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган спорт фестивали "Соғлом она ва соғлом бола миллат эртаси" шиори остида ўтказилди.

Унда тиббиёт муассасалари ходимлари ва маҳаллалардаги уй бекалари иштирок этди.

– "Аёллар спорт фестивали"ни ўтказишдан кўзланган мақсад мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уни янада тарғиб қилишдан иборатдир,– дейди Олмазор туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова биз билан бўлган суҳбатда. – Жумладан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, маҳаллаларда спортнинг оммавийлигини ошириш, энг асосийси хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, яхшилаш ва асраш асосий мақсад қилиб олинган. Зеро, аёллари соғлом юртнинг эртаси янада нурафшон, истиқболи эса порлоқдир.

Баскетбол, енгил атлетика, шашка, стол тенниси, гимнастрада турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда аёллар ўзларининг бор маҳоратини, эпчиллигу чаққонлигини яна бир бор намойиш этди.

Мусобақа сўнгида ғолиблар туман Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман тиббиёт бирлашмасининг фахрий ёрлиғи ва ҳомийларнинг совғалари билан тақдирланди.

Шайхонтоҳур туманида ўтказилган хотин-қизлар ўртасидаги спорт мусобақалари ҳам ўзига хос равишда кўтаринки кайфиятда тумандаги 41-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида уюштирилди.

Мусобақаларда туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган аёллар, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли мактабгача таълим муассасалари вакиллари, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари қатнашди.

Жами 105 нафар хотин-қизлар иштирок этган мусобақада спортнинг сузиш, стол тенниси, шашка, баскетбол турлари бўйича қизғин баҳслар олиб борилди.

Тадбир сўнгида ғолибларга туман Хотин-қизлар қўмитаси томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

"Аёллар спорт фестивали" Бектемир, Миробод, М.Улуғбек, Сергели, Учтепа, Чилонзор, Юнусобод, Яшнобод ва Яккасарой туманларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



СОҒЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Халқаро "Аҳолишунослик куни" муносабати билан марафон ўтказилди.

Мазкур мусобақада хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, уй бекалари, ўқувчи қизлар иштирок этди.

Юртимизда аёллар спортини ривожлантириш, спорт билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали аёллар саломатлигини асраш ҳамда уларда ўз соғлигига бўлган масъулликни кучайтириш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бири бўлиб бормоқда.

Шунингдек, спортнинг бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси турининг оммалашаётгани қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун қишлоқ жойларда бадиий гимнастикага мўлжалланган ўнлаб мажмуалар бунёд этилгани, барча ҳудудлардаги замонавий спорт иншоотларида тўгараклар ва спорт клубларининг фаолияти йўлга қўйилгани эътирофга лойиқдир.

Мусобақа шартларига кўра маҳалла маслаҳатчилари 1,5 км. масофага югуриш бўйича, болажонлар эса шашка, "Ёз ўтади соз" мавзусида асфальтга расм чизиш бўйича ўзаро беллашди. Ғолибларга ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Зафар НАЗАРОВ

Мутахассис маслаҳати

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Арбовирус гуруҳи — геморрагик иситма касалликларини қўзғатувчилари табиатда уй ва ёввойи ҳайвонлар дунёсида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда уларнинг 500 дан ортиқ тури маълум бўлиб, 100 дан ортиқ тури одамларда касаллик қўзғатади.

Вируснинг табиатдаги резурвуари бўлиб ёввойи сут эмизувчилар хизмат қилади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҚҚГИ вирусининг табиий ўчоқлари мавжудлиги аниқланди. Касаллик сўнгги йилларда кўпроқ республиканинг жанубий ва марказий вилоятларида қайд қилинмоқда.

Қрим-Конго геморрагик иситмаси (ҚҚГИ) ўта хавфли, табиий ўчоқли ўткир юқумли касаллик бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриши, ҳолсизлик, кўнгил айниши ва бошқа умумий интоксикация белгилари билан кечади.

Касалликнинг юқиш йўллари: трансмиссив — кана чаққанда; контаминацион — ҳимояланмаган қўл билан моллардан каналарни терганда ва уларни бармоқлар орасида эзиб ўлдирганда; мулоқот (контакт) — беморларнинг қони ва қонли ажратмалари, сўйилган молларнинг қони орқали; парентерал-тиббий муолажалар вақтида шприц орқали; аэрозол-махсус лабораторияларда вирус сақловчи материаллар билан ишлаш жараёнида авария содир бўлганда.

Касалликнинг мавсумийлиги эрта баҳор-куз ойлари, яъни қон сўрувчи ҳашаротларнинг кўпайиш даврига мос келади.

Шу гуруҳдаги касалликларга ташхис қўйиш жуда қийин, чунки улар бошқа юқумли касалликларга ўхшаш аломатларни намоён қилади.

Қора ҳалок туркуми касалликлари тиббиёт ходимлари орасида юқори нафас йўлларининг шамоллаши, зотилжам, юрак мушакларининг касаллиги, бурун, нерв ва терлама касалликлари деб нотўғри ташхис этилади.

Касалликнинг яширин даври қўзғатувчи трансмиссив ва контаминацион йўллар орқали юққанда 2-7 кунни, мулоқот ва парентерал йўллар билан юққанида эса 2-4 кунни ташкил этади.

Хасталикнинг белгилари: тана ҳароратининг бирдан кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриши, кўз косаси томирининг қизариши, юз, бўйин, кўкрак, оғиз, томоқ шиллиқ қаватининг қон талашиб қизариши, қон босимининг пасайиши, юрак уришининг секинлашуви ва ҳар хил ҳолатдаги қон кетиш (оғиз, бурун, ошқозон ва ҳ.к.).

Бундай аломатлари бор беморларга жиддий аҳамият берилиши талаб қилинади. Ташхис қўйишда касалликнинг эпидемиологик кечиши, шу ҳудудда касалликнинг қайд қилиниши, қон сўрувчи — чивин, искабтопар, кана, сўна борлиги, беморни ҳашарот чаққанлиги, қон кетиши, терининг кўкариши, қон талашиб қизариши, уй ҳайвонларини сўйишда қатнашганлиги алоҳида ўрин тутади.

Қора ҳалок касаллигини алоҳида даволаш усули бўлмай, касалликнинг оғир ёки енгил кечиши, беморнинг ёши, ҳолатига, юзага келган асоратларга боғлиқ бўлиб, асосан умумийлаштирилган даволаш усули қўлланилади.

Касалликнинг олдини олиш ва тарқалишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари:

— беморни бошқа бемордан ажратиш, алоҳида боксга ётқизиш, алоҳида тиббиёт ходимини ажратиш;

— беморнинг ташхисини тезроқ аниқлаш;

— қон сўрувчи ҳашаротларга: чивин, кана, искабтопар, сўнага қарши дезинфекция ишларини касаллик ўчоғида, аҳоли яшайдиган жойларда амалга ошириш.

Бемор ётган хоналар тез-тез шамоллатиб турилиб, 3 % хлорамин эритмаси билан беморнинг кийимкечаги ва тўшаги, анжомлари камерада зарарсизлантирилади. Қон сўрувчи ҳашаротларга қарши дезинфекция ишлари олиб борилади.

Аҳоли орасида санитария-тарғибот ишларини олиб бориш керак.

Альбина МУСАЕВА,
шаҳар ДСЭНМ ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2016 йил 15 август куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига:

Суд Департаментининг Тошкент шаҳар Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

1.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 22.02.2013 йилдаги 1-10/2013-сонли ижро варақасига асосан ГАЗ-2705-14 русумли, оқ рангли, 2007 йилда и/ч, т/с, д/б 10/983 ВС бўлган автотранспорт воситаси б/б - 27 679 856 сўм. "Space arsenal service" МЧЖда, Тошкент ш., Яккасарой т., Олтин водий кўчаси, 29-уйда сақланмоқда.

2. ЖИБ Тошкент вилоят Бўстонлиқ туман судининг 24.12.2010 йилдаги 1-316/10-сонли ижро варақасига асосан Дамас русумли, оқ рангли, 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 01Q213CA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 13 365 000 сўм. "Чорсу" жарима майдончасида Тошкент ш., Шайхонтоҳур т., Шайхонтоҳур кўчаси, 1-уйда сақланмоқда.

Суд Департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Тошкент ш. ИИББ Ахборот марказида, Тошкент ш. Бектемир т. Ҳ.Бойқаро кўчаси, 27- уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. 5.12.2014 йилдаги 39616\19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2106 русумли, қизил рангли, 1981йилда и/ч, т/н, д/б 01 Q 079 НА бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 3 388 309 сўм.

2. 20.10.2014 йилдаги 33296/19-сонли ижро варақаси Матиз русумли, оқ рангли, 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 01 B725 OA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 19 259 340 сўм.

3. 23.07.2015 йилдаги 19123\6-сонли ижро варақаси ВАЗ-21061 русумли, бақлажон рангли, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 R 897 JA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 6 851 395 сўм.

4. 11.08.2014 йилдаги 16020\6-сонли ижро варақаси ВАЗ-2102 русумли, каймоқ рангли,1974 йилда и/ч, т/н, д/б 01 L 769 РА бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б-5 874 108сўм.

5. 12.08.2015 йилдаги 19790\19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2107 русумли, оқ рангли,1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 A 078 NA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 9 910 134 сўм.

6. 11.08.2014 йилдаги 23697\19-сонли ижро варақаси ВАЗ-21099 русумли, сафари рангли, 1995 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G 032 НА бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 6 276 792сўм.

7. 12.08.2015 йилдаги 19796\19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2102 русумли, оқ рангли, 1979 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G 589 NA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 3 791 683 сўм.

8. 9.11.2015 йилдаги 27664/6-сонли ижро варақаси Матиз русумли, оқ, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б 01 T 059 NA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 21 911 781 сўм.

9. 9.04.2015 йилдаги 8431-32/19-сонли ижро варақаси Матиз русумли, қаймокранг, 2002 йилда и/ч, т/н, д/б 01 539 НСА бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 10 701 059 сўм.

10. 9.04.2015 йилдаги 8431-32/19-сонли ижро варақаси Матиз русумли, қаймоқ, 2004 йилда и/ч, т/н, д/б 01 448 НСА бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 11 845 484 сўм.

11. 9.11.2015 йилдаги 27669/6-сонли ижро варақаси Матиз-Бест русумли, қулранг, 2007 йилда и/ч, т/н, д/б 10 V 686 GA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 17 077 506 сўм.

12. 23.07.2015 йилдаги 19133/6-сонли ижро варақаси Спарк русумли, оқ рангли, 2011 йилда и/ч, т/н, 01 X 247 TA д/б бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 30 400 000 сўм.

13. 12.08.2015 йилдаги 19791/19-сонли ижро варақаси Спарк русумли, оқ рангли, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б 01Y540RA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 35 150 000 сўм.

14. 5.02.2015 йилдаги 1902/19-сонли ижро варақаси МАТИЗ русумли, оқ рангли, 2007 йилда и/ч, т/н, д/б 01Q892BA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 19 059 500 сўм.

15. 21.01.2015 йилдаги 609/19-сонли ижро варақаси СПАРК М 300 русумли, оқ рангли, 2011 йилда и/ч, т/н, д/б 01 O 082 OA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 28 688 274 сўм.

16. 12.05.2014 йилдаги 16187/6-сонли ижро варақаси ВАЗ-2106 русумли, сариқ рангли, 1998 йилда и/ч, т/н, д/б 50T 514GA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 8 644 682 сўм.

17. 23.07.2015 йилдаги 19120/6-сонли ижро варақаси ТИКО русумли, кўк металлик, 1994 йилда и/ч, т/н, д/б 10 U 114 AA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 12 062 602 сўм.

18. 21.01.2015 йилдаги 634/19-сонли ижро варақаси МАТИЗ русумли, оқ рангли, 2010 йилда и/ч, т/н, д/б 10Y740CA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 21 011 494 сўм.

19. 24.04.2015 йилдаги 9247/19-сонли ижро варақаси МАТИЗ русумли, кумуш хамелеон рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 D 638 KA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 21 030 942 сўм.

20. 30.07.2015 йилдаги 19343/6-сонли ижро варақаси ВАЗ-2103 русумли, оч кулранг рангли, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 01B 760 RA енгил автотранспорт воситаси б/б - 6 365 000 сўм.

21. 12.05.2014 йилдаги 16190/6-сонли ижро варақаси ВАЗ-21011 русумли, оқ рангли, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01U894PA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 2 100 588 сўм.

"Space Arsenal Service" МЧЖда, Тошкент ш., Яккасарой т., Олтин водий кўчаси, 29-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. 21.01.2015 йилдаги 635\19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2103 русумли, қизил рангли, 1974 йилда и/ч, т/н, д/б 10 B 126 KA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 5 332 064 сўм.

2. 11.08.2014 йилдаги 23695\19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2107 русумли, оқ рангли,1998 йилда и/ч, т/н, д/б 01 L 470 НА бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б -13 392 206 сўм.

3. 11.08.2014 йилдаги 23696\19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2106 русумли, оқ рангли,1980 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G 306 QA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 4 733 019 сўм.

4. 22.01.2014 йилдаги 2273/19-сонли ижро варақаси ВАЗ 2106 русумли, жигарранг, 1978 йилда и/ч, т/н, д/б 10 J 106 FA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 4 473 758 сўм.

5. 26.08.2011 йилдаги 15694/21-сонли ижро варақаси BMW-316 русумли, қулранглиги, 1981 йилда и/ч, т/н, д/б II Z 5740 бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 2 893 935 сўм.

6. 19.07.2016 йилдаги 27654/6-сонли ижро варақаси МАЗ-5432 русумли, яшил рангли, 1983 йилда и/ч, т/н, д/б 10B946AA бўлган юк автотранспорт воситаси б/б - 68 465 550 сўм.

"Зафар-И" божхона омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. 20.08.2015 йилдаги 20297/19-сонли ижро варақаси Ford Expedition русумли, хамелеон рангли, 2000 йилда и/ч, т/н, д/белгисиз бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 45 410 000 сўм.

2. 16.04.2012 йилдаги 13368/5-сонли ижро варақаси ГАЗ-53 русумли, қаймоқ, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 987 FAA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 4 823 654 сўм.

3. 29.04.2013 йилдаги 11242/10-сонли ижро варақаси СР416- русумли плуг, б/б - 37 243 746 сўм.

4. 5.12.2014 йилдаги 40353/19-сонли ижро варақаси ГБА Дамас СПГ русумли, оқ рангли, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б 10T425GA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 27 847 909 сўм. "Ўз.Рес. ИИВ қарашли Транспортдаги ИИБ хўжалик бўлими"да сақланмоқда.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 15 августда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 12 август соат 18:00 да тўхтатилади.

2016 йил 29 август куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига:

Суд Департаментининг Тошкент шаҳар Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

1. 22.05.2013 йилдаги 1-195/13-сонли ижро варақаси Лада 210740 русумли, кулранглиги, 2010 йилда и/ч, т/с, д/б 01 M836MA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 22 995 680 сўм. "Working price" МЧЖда сақланмоқда.

2. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро варақаси ГАЗ 330202-288 русумли, оқ рангли, 2010 йилда и/ч, т/с, д/б 01 016MBA бўлган юк автотранспорт воситаси б/б - 60 000 000 сўм.

3. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро варақаси Mitsubishi FD 15 NT русумли (кара), и/ч йили номаълум, т/с, бўлган юк автомашина б/б - 45 000 000 сўм.

4. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро варақаси Нексия русумли, қора рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 T434DA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 37 000 000 сўм.

5. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро варақаси Ласетти-2 CDX русумли, оқ рангли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 101 MAA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 65 000 000 сўм.

6. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро варақаси DAF 95 XF русумли, кўк рангли, 2002 йилда и/ч, т/с, д/б 01 835 XCA бўлган юк автотранспорт воситаси ва SEM русумли, оқ рангли, 1987 йилда и/ч, т/с, д/б 01 5725 AA бўлган ярим тиркама б/б - 231 000 000 сўм.

Юқорида келтирилган автотранспорт воситалари "Hush Nur Biznes" МЧЖ омборхонасида Тошкент ш., Олмазор т., Уста Ширин 1-тор кўчаси 20-уйда сақланмоқда.

7. 24.05.2016 йилдаги 1-395/15-сонли ижро варақаси Hyundai H-1 Van русумли, 2009 йилда и/ч, т/с, д/б 01 141YAA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 85 000 000 сўм. Тошкент ш., Олмазор т., Қ/Қамиш 2-мавзеси Мухбир кўчасидаги омборхонада сақланмоқда.

Суд Департаментининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик Судининг 10.12.2014 йилдаги 50933-34/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент ш., Мирзо Улуғбек т., Мирзо Улуғбек кўчаси, 42-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

1. Captiva русумли, қора рангли, 2014 йилда и/ч, т/с, д/б 01 099 LDA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 115 206 368 сўм.

2. Malibu русумли, қора рангли, 2013 йилда и/ч, т/с, д/б 01 099 GDA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 115 692 441 сўм.

2016 йил 29 август куни соат 15.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

"SPACE ARSENAL SERVICE" МЧЖда, Тошкент ш., Яккасарой т., Олтин водий кўчаси, 29-уйда сақланаётган 9.11.2015 йилдаги 27674/6-сонли ижро варақасига асосан:

1. Daewoo Espero русумли, оқ рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б 01W072AA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 26 400 000 сўм.

2. Нексия русумли, кумушсимон рангли, 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 20 O 970 BA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 26 215 000 сўм.

3. Тико русумли, оқ рангли, 2002 йилда и/ч, т/н, д/б 10 332 SAA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 16 359 080 сўм.

4. 18.07.2016 йилдаги 16021-сонли ижро варақаси ЛАСЕТТИ русумли, оқ, 2011 йилда и/ч, т/н, д/б 10 E 101 EA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 41 767 650 сўм.

Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Маркази омборхонаси, Тошкент ш., Бектемир т., Ҳ.Бойқаро кўчаси, 27-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалар:

1. 29.02.2016 йилдаги 2482/19-сонли ижро варақаси ВАЗ-21099 русумли, кулранг рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б 01C613HA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 10 944 442 сўм.

2. 15.04.2016 йилдаги 12089/11-сонли ижро варақаси Матиз русумли, оқ, 2010 йилда и/ч, т/н, д/б 01 O 681 GA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 21 508 440 сўм.

3. 23.07.2015 йилдаги 19124/6-сонли ижро варақаси ВАЗ-2101 русумли, қизил, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01 F 236 QA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 2 159 407 сўм.

4. 4.12.2015 йилдаги 37127/6-сонли ижро варақаси ВАЗ-2103 русумли, оқ, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 10 H 941 HA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 5 888 166 сўм.

5. 25.01.2016 йилдаги 965/19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2106 русумли, жигарранг, 1984 йилда и/ч, т/н, д/б 01 T 509 MA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 7 133 399 сўм.

6. 25.01.2016 йилдаги 963/19-сонли ижро варақаси Лада Калина ВАЗ-11183-110-20 русумли, изабелла рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 E 885 FA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 28 397 993 сўм.

7. 9.04.2015 йилдаги 8433/19-сонли ижро варақаси ВАЗ-2101 русумли, қизил рангли, 1980 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G 487 SA бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 5 394 724 сўм.

8. 18.04.2016 йилдаги 12142/11-сонли ижро варақаси ВАЗ-21053 русумли, кўк рангли, 1996 йилда и/ч, т/н, д/б NA 33 RUS 8465 бўлган енгил автотранспорт воситаси б/б - 4 973 000 сўм. "Зафар-И" божхона омборида сақланмоқда.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 29 августда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 26 август соат 18:00 да тўхтатилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136949 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

"Биржа" газетасининг 2016 йил 23 июлдаги 84 (2103)-сонининг 10-саҳифасида ва "Тошкент оқшоми" газетасининг 2016 йил 25 июлдаги 147 (13.210)-сони 3-саҳифасида чоп этилган "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти устав фондидаги 15 фоиз давлат улушининг сотилиши бўйича "Тошкент" РФБнинг биржа савдоларига таклиф этилиши бўйича эълонлардаги "28 августда" деган сўзлари "29 августда" деб ўқилсин.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***28 июль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли мавжуд. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,* ***28 июлда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9223
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 755
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.40
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ